

**ҚУРОЛЛИ НИЗО ТОМОНЛАРИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ МАХСУС
ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШДА ТЕХНИК
ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Рашиков К.К.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси доценти.

Аннотация. Ушбу мақолада Украина худудидаги қуролли низо томонлари қўшинларининг махсус ҳарбий операцияларга тайёргарлик кўришда техник таъминотни ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва операциялар давомида амалга оширилган техник таъминоти тадбирлари ёритилган.

Калит сўзлар. Махсус ҳарбий операциялар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар, юқори аниқликдаги қуроллар, дорнлар, учувчисиз учиш аппаратлари, тез отар реактив тизим (ТОРТ), ҳаво ҳужумидан мудофаа, ҳаво космик кучлари (ХКК), алоҳида таъмирлаш-тиклаш базаси (АТТБ).

Аннотация. В данной статье рассмотрены особенности и выполненные мероприятия технического обеспечения при подготовке и в ходе специальной военной операции войск сторон вооруженных конфликтов на территории Украины.

Ключевые слова. Специальная военная операция, Вооружение и военной техники, высокоточные оружия, дроны, беспилотные летательные аппараты, реактивные системы залпового огня (РСЗО), противовоздушная оборона, воздушные космические силы (ВКС), отдельная ремонтно-восстановительная база (ОРВБ).

Украина шарқий вилоятларини (ДХР ва ЛХР) Украина таркибига қуролли йўл орқали қайтариш вазифаларини бажаришга Украина Қуролли

Кучларини тайёрлаш тадбирлари ДХР ва ЛХР чегара олди худудларида кўшинларнинг туркумини барпо қилиш орқали амалга оширилган.

Украина ҚК қўшилмалари ва миллий гвардия полк ва бригадалари НАТО ва АҚШ давлатларидан келтирилган замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан бутланган.

Ҳарбий йўл билан ДХР ва ЛХР Украина таркибига киритиш вазифаси бўйича ташкил қилинган Украина ҚК қўшинларнинг бирлашган туркумини жанговар ҳаракатлар олиб бориши учун собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган, янги ишлаб чиқилган ва модернизация қилинган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар русуми ҳамда барча турдаги артиллерия ва тезотар реактив тизимлари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга талафот етказиш қуролларини АҚШ, Иттифоқчи Ғарб давлатлари ва НАТО томонидан етказиб бериш амалга оширилган ва ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда. Жумладан, қуролли низога тайёргарлик кўриш даврида АҚШ томонидан 2014 йилга қадар Украинага 200 млн \$ ва 2022 йил қуролли низо бошланган бошлаб 56 млрд. \$ тенг маблағда қўшимча ҳарбий ёрдам етказиб берилмоқда¹.

Ҳозирги вақтда Вашингтон томонидан Украина ҚК ларига осмонда учиб юриб ердаги қўшин ва муҳим объектларни душмандан қўриқлайдиган “Switchblade” русумли “дрон – камикадзе” шартли номланган ўқ-дориларни етказиб бериш давом этмоқда.

“Switchblade” русумли ўқ-дорилар кичик ҳажмдаги УУА кўринишига эга, у олиб юриладиган учуриш мосламасидан ҳаракатга келтирилади ва 10 км масофадаги нишонлар (ХХМ воситалари, бошқарув пунктлари ва зирхли объектлар)ни яқсон қилиш имкониятига эга. Агар АҚШ томонидан “Switchblade” русумли ўқ-дорилар етказиб берилиши бошланса, демак уларни самарали қўллашни ўргатиш мақсадида АҚШ махсус бўлинмаларидан инструкторлар жалб қилиниши мумкин².

¹ Специальная военная операция – СВО ВС РФ. Россия с 24 февраля проводит военную операцию по денацификации и демилитаризации Украины.

² <https://газета The Wall Street Journal О поставках вооружения.>

Украина ҚК қўшинларининг техник таъминот нуқтаи назаридан энг асосий эътиборни, қўшилмаларнинг бирлашган туркуми таркибида операцияларда техник таъминотининг асосий вазифаларини бажариш қобилиятига мос равишда бўлган жанговар шай ҳолатдаги ҳаракатчан техник таъминоти қисм ва бўлинмаларни ташкил қилишга қаратилган. Жанговар ҳаракатларни олиб бораётган бригадаларнинг техник таъминоти бўлинмалари таъмирлаш ротаси таркибида ташкил қилинган.

Жанговар ҳаракатларни олиб бориш харитасига эътибор қаратилганда, Россия ҚК махсус ҳарбий операциялар олиб бориш учун операцион йўналишларда (“Шимолий”, “Шарқий” ва “Жанубий”) туркумлар таркибида мотоўқчи, танк, десант-ишғол қилувчи, ҳарбий-десант қўшинлари ва денгиз пиедаси ҳамда ХКК туркуми ташкил қилинганлигини кўриш мумкин. Барча операцион йўналишларда қўшинларнинг асосий кучларини жамлаш йўналишида техник таъминоти куч ва воситаларининг туркуми ташкил қилинган. Уларнинг таркиби: жанговар тўқнашиш чизиғидан 80 км гача ўзоқликда ёйилган АТТБ артиллерия ва ХТА омборлари таркибида; жанговар тўқнашиш чизиғидан 20-30 км гача узокликда ёйилган бригадаларнинг *тмб*³, артиллерия ва ХТА⁴ омборлари таркибида ҳамда бошқа (иккинчи даражали, чалғутувчи) йўналишларда техник таъминоти куч ва воситаларнинг туркумидан иборат.

Қуролли низо томонларининг махсус ҳарбий операциялар олиб боришида техник таъминотни ташкиллаштиришининг ўзига хос хусусиятлари

Махсус ҳарбий операцияларнинг бошланиши Россия ҚК қўшинларини бир қанча операцион йўналишларда кенг фронт бўйлаб киритишдан бошланди. Бундай кўламли жанговар ҳаракатларни олиб боришда махсус

³ Таъмирлаш тиклаш батальони.

⁴ Ҳарбий техник анжомлар.

операцияларда иштирок этувчи кўшинларнинг техник таъминоти катта кўламдаги урушларни олиб боришни ўзига хос хусусиятларига умумий мос тамойилларига асосан ташкиллаштириш ва олиб бориш керак бўлади.

Кўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг юқори жанговар шайлик ва жанговар қобилиятини ушлаб туриш, уларнинг сафида техник соз ва жанговар қўллашга тайёр қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг миқдорига ва уларни ўқ-дорилар билан таъминланганлигига бевосита боғлиқ бўлади.

ОАВ маълумотларига асосан Донецк – Луганск ва бошқа операцион йўналишларда Украина ҚК томонидан кўп миқдордаги зирхли танк қуроллари, 82 ва 120 мм миномётлар, ҳар хил калибрдаги артиллерия ва ТОРТ⁵ тизимлари ҳамда “Точка-У”⁶ русумдаги ракета тизимларини қўллаган ҳолда шиддатли жанглар олиб борилган.

Донецк – Луганск йўналишларида иштирок этган Украина кўшинларининг бирлашган туркумида сафдан чиққан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни тиклаш учун ОАВ кўрсатилган маълумотлар бўйича барча ҳаракатланаётган кўшинлар манфаатида техник таъминоти куч ва воситаларининг туркуми ёйилган ҳамда механизациялашган, танк ва артиллерия бригадаларида техник таъминоти органлари барпо қилинганлигини кўриш мумкин⁷.

Оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотлар ва видео кадрларда акс этган кўп миқдорда яксон қилинган ва ташлаб кетилган жанговар техникалар кузатилган. Бригадаларнинг таъмирлаш роталари сафдан чиққан техникаларни таъмирлаш ишларини бевосита жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган вилоятлардаги маҳаллий таъмирлаш пунктларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирган. Хусусан, Херсон ва Чернигов вилоятларида таъмирлаш ротаси куч ва воситалари билан ёйилган шикастланган машинлар йиғиш пунктида сафдан чиққан техникаларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари кенг кўламда олиб

⁵ Тез-отар реактив тизим.

⁶ Замоनावий реактив тизим.

⁷ https://Военная операция на Украине. Онлайн - РБК_files

борилганлигини кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда таъмирлаш органларини қўллашда йўл қўйилган камчиликларидан бири таъмирлаш органларининг шатакка олиш воситаларини шаҳар атрофидаги жанговар техникаларни аҳоли яшовчи кварталларга жойлаштиришда қўлланилганлигини келтириш мумкин. Бу эса, ўз ўзидан Украина ҚКлари жанговар бўлинмаларининг техник таъминоти бўлинмалари ўзларининг мўлжалланиши бўйича вазифаларини бажармаганлигидан далолат беради.

Россия ҚК томонидан юқори аниқликдаги қуролларни ҳаводан, ердан ва денгиздан туриб қўлланилиши оқибатида ҳарбий инфраструктуралар, хусусан қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар сақланадиган артиллерия омборлари ҳамда тахминан ҳарбий-техник анжомларнинг стратегик ва оператив захиралари мавжуд бўлган омборларнинг вайрон қилиниши, бундан ташқари ўқ-дориларнинг қўшинлар захираси кескин камайиб кетиши Украина ҚК қўшинларининг жанговар салоҳиятига сезиларли таъсир кўрсатган. Шу сабабли Украина ҚК жанговар бўлинмалари ўзларининг ўқ-дориларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ўқ-дорилар сақланаётган омборларни эгаллаб олишга, фронт орти колонналарига диверсион ва бошқа қуролланган гуруҳлар таркибида ҳужум қилишга ҳаракат қилишади, чунки иккала уруш олиб бораётган томонларда аксарият бир ҳил қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар қўлланилмоқда.

Шу билан бирга Россия ҚК махсус ҳарбий операцияларида иштирок этаётган қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг таркиби, жанговар вазифаларни бажариш усуллари, жанговар ҳаракатларнинг масштаби ва хусусиятидан келиб чиқиб, техник таъминот вазифаларини бажаришда бир қатор омиллар ва ўзига хос хусусиятлар бўлиши мумкин. Энг асосий омил сифатида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан кенг маконда (худудларда) ёйиб, улардан ҳар хил хусусиятда фойдаланиши кузатилмоқда. Бундай омилларнинг мавжудлиги Россия ҚК қўшинларининг бир вақтда бир қанча вазифаларни бажариши билан ифодаланади, яъни: ҳарбий инфраструктураларни яқсон қилиш; жанговар ҳаракатларни олиб бориш;

аэродромларни ишғол қилиш; шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини қуршаб олиш ва тозалаш; моддий-техник воситалар захираси юкланган колонналарни кузатиб бориш бўйича вазифаларни бажаришда техник таъминоти вазифаларини бажарилиши қийинлашган.

Бундай вазифаларни бажаришда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан фойдаланиш жараёнининг интенсивлигини кескин даража ошишига ҳамда уларни жанговар шикастланиши бўйича сафдан чиқишига олиб келади.

Украина ҚК бўлинмалари томонидан “бендермобиль” қўлбола тайёрланган техникалар ва талафот етказиш (Жевелин, NLAW, M-72 ва стингер) қуроллари қўлланиши нафақат шахсий таркибнинг ўлимига, балки қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни тикланмайдиган йўқотишларига сабаб бўлади. Бундан ташқари, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг кўп жихатдан яқсон қилиниши Украина ҚК диверсион гуруҳларининг маршни амалга ошираётган ва моддий воситаларни етказиб беришни таъминлаётган бўлинмаларга беҳосдан хужум қилаётганини келтириш мумкин. Шунинг учун охириги вақтларда диверсион ва бошқа гуруҳларнинг хужумини олдини олиш мақсадида Россия ҚК бўлинмалари томонидан маршни амалга оширишда ҳаводан колонналар ҳимоясини таъминлаш учун жанговар ва транспорт вертолётлардан кенг фойдаланилмоқда.

Россия ҚК кўшинларининг махсус ҳарбий операцияларида сафдан чиққан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эвакуация қилиш ва таъмирлаш жараёни, ташкил қилинган техник таъминоти куч ва воситалари туркуми томонидан амалга оширилмоқда, тикланмайдиган техникаларнинг ишга яроқли агрегат ва деталларини таъмирлаш ишларига керакли бўлган ҳарбий-техник анжомлар захирасини яратиш мақсадида АТТБ⁸ таркибидан ажратилган махсус бўлинмаларнинг кучлари билан бажарилмоқда. Жумладан, Оммавий ахборот воситаларида кўрсатилган маълумотларга кўра Қримда армия таъмирлаш-тиклаш базаси таркибида сафдан чиққан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари фаол олиб

⁸ Армиянинг таъмирлаш-тиклаш батальони.

борилмоқда. Бу ерда Т-72Б3, БМП-3, БТР-82А ва бошқа турдаги ҳарбий техникалар таъмирдан чиқарилиб ўз бўлинмаларига юборилмоқда. Бундан ташқари операция давомида ўлжага олинган Украина бўлинмалари томонидан қолдириб кетилган ва сафдан чиққан Т-64БВ, БМП-1 ва бошқа турдаги зирҳли автомобиллар ҳам таъмирдан чиқарилиб, келгусида улардан фойдаланиш учун ДХР ва ЛХР миллий милицияси кучларига берилиши кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтилган⁹.

Махсус ҳарбий операцияларда фойдаланилаётган барча қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга ўқ-дорилар ва ХТАларни узоқ масофага узлуксиз етказиб бериш мақсадида фронт орти қўшилма ва қисмларнинг автомобиль транспортлари билан биргаликда ҳарбий ҳаво транспортлари ҳам кенг қўламда қўлланилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида келтирилган лавҳаларда Украина ҚК бўлинмалари томонидан жанговар ҳаракатлар олиб бориш жараёнида техник соз ҳолатдаги жанговар ва бошқа техникаларни жойларда ташлаб кетиш ва сафдан чиққан техникаларни тиклаш учун эвакуация ишлари бўйича ҳеч қандай тадбирлар ўтказилмаганлигини кўриш мумкин (жанговар ҳаракатларни жиддатли ва тез суръатда олиб борилиши сабабли ушбу ишларни бажаришга энг асосий омил вақт танқислигини келтириш мумкин). Жумладан ЛХР қўшинлари томонидан Северодонецк вилоятидан 15 км узоқда жойлашган аҳоли пункти ҳудудда Украина ҚК 57-бригадасининг таъмирлаш ротаси билан ёйилган ШМЙП¹⁰ ишғол қилинган ва у ердаги ўлжа олинган ҳарбий техникаларни кейинчалик фойдаланиш учун эвакуация қилиш ишлари амалга оширилганлиги мутахассислар тарафдан таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, Россия ҚК томонидан юқори аниқликдаги қуролларни ҳаводан, ердан ва денгиздан туриб қўлланилиши оқибатида Украина ҚК жанговар ва бошқа техникаларининг кўп жиҳатдан йўқотилишига олиб

⁹ <https://mil.gov.ua>. восстановление ВВТ

¹⁰ Шикастланган машиналар йиғиш пункти.

келган. Ракеталарни мақсадли (точкали) зарбаларини бериш натижасида кўшинларни бошқариш қўмондонлик пунктлари билан қаторда фронт орти тизимлари ҳам ишдан чиқарилмоқда.

Россия Федерацияси мудофаа вазирлигининг маълумотларига асосан Украинада олиб борилаётган махсус ҳарбий операцияларни олиб борилиши ҳақидаги кунлик ахборотлар йиғилмоқда. Россия Қуролли кучлари томонидан операциянинг дастлабки кунидан бошлаб, Украинанинг 4 115 ҳарбий инфраструктура объектлари, 2349 ортик учувчисиз учиш аппаратлари (550 Байрактар ТБ-2), 874 ТОРТ қурилмалари, 383 зенит ракеталар мажмуаси, 117 РЛС, 6100 танк ва бошқа зирҳланган жанговар техникалар, 326 самолёт, 162 вертолёт, 3527 артиллерия ва миномётлар ҳамда 6791 ҳарбий ва махсус автомобиль техникалари яқсон қилинган. Бундан ташқари ЮАҚ (юқори аниқликдаги қуроллар) зарбаси натижасида 24 аэродром, 150 ўқ-дорилар сақланаётган база ва арсеналлар, 120 ўқ-дорилар омбори яқсон қилинган¹¹.

ОАВ маълумотлари бўйича, “Россия Қуролли кучлари Украина фуқаролари билан уруш олиб бормаяпти, аксинча уларни ҳимоя қилмоқда, юқори аниқликдаги қуролларнинг зарбалари фақатгина Украинанинг инфраструктурасини тўлиқ ишдан чиқариш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларига талафот етказиш, ракета ва ўқ-дорилар сақланаётган омбор ва базаларини яқсон қилиш, кўшинларни бошқариш пунктларини ишдан чиқариш ва ХХМ тизимини барбод қилишга йўналтирилганлигин”¹² деб, таъкидлашмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни йўқотилиши ҳақида маълумотлар кам кўрсатилмоқда ва умуман тўлиқ маълумотлар акс эттирилмаяпти ҳамда махсус ҳарбий операцияларда уруш олиб бораётган томонлардан сафдан чиққан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эвакуация қилиш ва таъмирлаш тадбирлари жанговар

¹¹ <https://biz.liga.net/all/all/interview/strana-potemkinskaya-derevnya-pochemu-rossiya-neset-ogromnye-poteri-i-chem-eto-ey-grozit>

¹² https://Военная операция на Украине. Онлайн - РБК_files.

харакатлар олиб борилаётган ҳудудлардаги кадрларда ҳам тўлиқ маълумотларни олиш мавжуд эмас.

Украина ҚК ахборот манбаларида берилиши бўйича Россия ҚК қўшинларида Украина ҳудудидаги махсус ҳарбий операцияларда катта талафотлар кўраётганлигини таъкидлаб ўтилмоқда, жумладан 950 яқин танклар, 135 ТОРТ қурилмалари, 552 артиллерия, 2556 зирҳланган жанговар техникалар, 120 самолётлар, 123 вертолётлар, 250 оператив-тактик УУА, 6 карабль ва катерлар ҳамда 60 яқин ёқилғи-мой ва ўқ-дори омборлари яқсон қилинган.

Шу билан бирга шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ОАВ миқёсида ахборот уруши кенг кўламда олиб борилмоқда, шу сабабли тақдим қилинаётган маълумотларнинг барчаси томонларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақдим қилинмоқда. Бу эса, ОАВ томонидан тақдим қилинаётган барча маълумотларни келгусида чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Ҳозирги вақтда Украина ва Россия ўртасида вужудга келган вазиятдаги қуролли низолардан қўйидаги хулосаларни келтириш мумкин, хусусан:

махсус ҳарбий операцияларни бошланиш давригача техник таъминот нуқтаи назаридан РФ ҚК ва Украина ҚК қуролли низога ҳар томонлама тайёрланганлигини кўриш мумкин;

РФ ҚК махсус ҳарбий операцияларда техник таъминоти вазифаларини бажариш учун барча операцион йўналишларда техник таъминоти куч ва воситалар туркуми ташкил қилинган;

Украина ҚК қўшинларининг техник таъминоти нуқтаи назаридан қўшилмаларнинг бирлашган туркуми таркибида техник таъминоти вазифаларини бажариш учун бригада ва полкларнинг таъмирлаш ротасининг куч ва воситалари билан амалга оширилган;

махсус ҳарбий операциялар давомида ўқ-дорилар сақланадиган омборлар, базалар ва арсеналларга юқори аниқликдаги қуроллардан зарбалар бериш амалга оширилган. Биринчи навбатда стратегик ва оператив захираларни йўқ қилиш, ЮОАҚ зарбаларини бериш қўшинлар туркуми билан қаторда алоҳида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга ҳамда Украинанинг ҳарбий инфраструктураларини ишдан чиқариш ва яқсон қилишга қаратилган;

ҳозирги вақтда ОАВ миқёсида ахборот уруши кенг кўламда олиб борилмоқда, шу сабабли тақдим қилинаётган маълумотларнинг барчаси томонларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақдим қилинмоқда. Бу эса, ОАВ томонидан тақдим қилинаётган барча маълумотларни келгусида чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://газета The Wall Street Journal>. Специальная военная операция – СВО ВС РФ. Россия с 24 февраля проводит военную операцию по денацификации и демилитаризации Украины.
2. <https://газета The Wall Street Journal>. О поставках вооружения.
3. https://Военная операция на Украине. Онлайн - РБК_files.
4. <https://mil.gov.ua>. восстановление ВВТ.
5. <https://biz.liga.net/all/all/interview/strana-potemkinskaya-derevnya-pochemu-rossiya-neset-ogromnye-poteri-i-chem-eto-ey-grozit>.